



TA'LIM VA INNOVATSION TADQIQOTLAR ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH

№9/2023
sentyabr

Muassis:

Buxoro davlat universiteti
Fan va ta'lim MChJ

Bosh muharrir: Ma'murov Bahodir
Baxshullayevich

Jamoatchilik kengashi raisi:
Xamidov Obidjon Xafizovich,
Buxoro davlat universiteti rektori

Tahririyat kengashi raisi:
Maxmudov Mels Hasanovich

Mas'ul kotib: Akramova Gulbahor
Renatovna

Texnik muxarrir: Davronov Ismoil
Ergashevich

Tahririyat manzili:
Buxoro shahar,
Q.Murtazoyev ko'chasi, 16-uy

Telefon:
+998(90)744-00-22

E-mail:
eirjurnal2020@gmail.com

Jurnalning elektron sayti:
www.interscience.uz

Jurnal OAK Rayosatining 2021 yil
30 sentyabrdagi 306/6-son Qarori bilan
PEDAGOGIKA, PSIXOLOGIYA,
FILOLOGIYA, TARIX
FANLARI bo'yicha falsafa doktori
(PhD) va fan doktori (DSc)
ilmiy darajasiga talabgorlarning
dissertatsiya ishlari yuzasidan asosiy
ilmiy natijalarini chop etish tavsiya
etilgan ilmiy nashrlar ruyxatiga
kiritilgan

Bosishga ruxsat etildi: 28.09.2023 y.
Qog'oz bichimi 60x84 1/8. b/t.12,5.
Buyurtma raqami 1.23
«FAN VA TA'LIM» nashriyotida chop
etiladi. Buxoro shahar



Jurnal 28.07.2021 yilda 9305 raqami
bilan O'zbekiston Ommaviy axborot
vositalari davlat ro'yxatidan o'tgan

Jurnal 2020 yilda tashkil topdi va
2 oyda 1 marta chop etildi.
2021 yil noyabr oyidan boshlab har
oyda 1 marta o'zbek, rus va ingliz
tillarida chop etiladi

«Ta'lim va innovatsion tadqiqotlar»
xalqaro ilmiy-metodik jurnalidan
ko'chirib bosish tahririyatning roziligi
bilan amalga oshiriladi

Maqolada keltirilgan faktlarning
to'g'riligi uchun muallif mas'uldir

07.00.00 – TARIX FANLARI	
Хайитов Ш. А. Бухоролик уч нафар ҲАЗРАТИ ИНСОН тимсоли-уч китоб талқинида	7
Alimova G'. B. Dinning davlatdan ajratilishi tamoyili	9
Ахматов А. Бухорода фаолият юритган афғон адиблари	13
Iuldashev U. K. Litva-Rossiya munosabatlarida Kaliningrad muammosi	16
Ибрагимова М. Б. Илк мусулмон жамиятида дипломатик алоқалар (Маъорижун Нубувва асари асосида)	20
Мамадиев Б. Б. Шахрисабзнинг қадимий ҳаммомлари	28
Mustafoev J. A. Navoiy oblastida "Paxta ishi" qatag'onini amalga oshirilishi va uning fojeali oqibatlari	33
Nazarov Z. Namangan viloyatida davlat, uy muzeylarining vujudga kelishi va turizm rivojida o'rni	37
Xadjamuratova M. X. Yoshlarni ijtimoiy himoya qilishga oid qonunchilik asoslari	42
10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI	
Almamatova M. Sh. Nofilologik ta'lim yo'nalishi talabalariga ingliz tilini o'rganishda motivatsiyani rivojlantirish	47
Ачилов Ш. Ш. Лексик компетенцияни такомиллаштириш бўйича педагогик технологиялар	53
Kaniyazova J. O. The image of old man in karakalpak, uzbek and kyrgyz prose	57
Matekov A. D. K.Smamutovning «Sizlarga aytib ketmoqchiman...» roman-essesining kompozitsiyasi	60
Mansurova F. Linguistic and pragmatic aspects of clarifying learners' brain dominance in successful english langugae acquisition	63
Mahmudova Kh. R. Analysis of the international experience of television programs on financial literacy	67
Rakhimova I. K. Implementation of worksheet strategy to foster research writing skill	72
13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI	
Abdullayev E. Z. O'quychilarda axborot bilan ishlash kompetensiyasini shakllantirishning nazariy va uslubiy asoslari.	77
Adizova N. B. Zamonaviy ta'lim sharoitida o'qituvchining divergent fikrlashini rivojlanish orqali malakasini oshirish tizimi	81
Aminov A. Sh. Dasturiy ta'lim vositasi yordamida muhandislik kompyuter grafikasi fanining mustaqil ishlarini tashkil etish	86
Arustamyan Y. Y. The role of modern teaching technologies in the process of lecturing	89
Ashurov R. R. Boshlang'ich info'quvchilarini intellektual rivojlantirishning nazariy asoslari	93
Axadova K. S. Raqamlashtirish jarayonida muhandislarni kasbiy faoliyatga tayyorlash ilmiy muammo sifatida	97
Azamkhonov O. A. Ways of development of speed and strength wrestlers aged 18-20	101
Atoeva M. F. Integratsiyalashgan ta'lim	106
Ахмаджонова Д. Д. Преподавание иностранных языков через онлайн-платформы. Всесторонний обзор и анализ.	109



БУХОРОДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН АФҒОН АДИБЛАРИ

*Ахматов Амонкелди,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Бухоро*

АФГАНСКИЕ ПИСАТЕЛИ, РАБОТАЮЩИЕ В БУХАРЕ

*Ахматов Амонкелди,
Доктор философии по историческим наукам (PhD), Бухара*

AFGHANI WRITERS WORKING IN BUKHARA

*Akhmatov Amonkeldi,
doctor of philosophy in historical sciences (PhD), Bukhara*

Резюме: Ушбу туркум мақолада Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихида алоҳида ўринга эга бўлган адабий алоқалар, жумладан Афғонистонда туғулиб Бухорода яшаб ижод қилган адибларнинг ҳаёти ва ижоди, адабий муҳитга таъсири ўрганилган.

Таянч сўзлар: Адабий муҳит, адабий алоқалар, Афғон, Ҳозик, Бухоро амирлиги, Қўқон, Умархон, Хива, тазкира, Айний, форс-тожик.

Аннотация: В данной серии статей исследуются литературные отношения, занимающие особое место в истории бухарского литературного движения, в том числе жизнь и творчество писателей, родившихся в Афганистане и проживавших в Бухаре, и их влияние на литературную среду.

Ключевые слова: Литературная среда, литературные связи, Афган, Хазик, Бухарский эмират, Кокан, Омар-хан, Хива, Тазкира, Айна, персидско-таджикский.

Summary: This series of articles examines literary relations that have a special place in the history of the Bukhara literary movement, including the life and work of writers born in Afghanistan and living in Bukhara, and their influence on the literary environment.

Keywords: Literary environment, literary connections, Afghan, Khazik, Bukhara Emirate, Kokan, Omar Khan, Khiva, Tazkir, Ayni, Persian-Tajik.

Кириш. Қадимдан мамлакатлар, халқлар ўртасида алоқалар йўлга қўйилиб келинганлиги барчага аён. Шу жумладан ижодкор адиблар фаолиятидаги ўзаро муштараклик адабий алоқаларни ташкил қилади. Ўзбек адабиётининг муҳим бўғини ҳисобланмиш Бухоро адабий муҳитида ҳам ижодий ҳамкорлик масалалари муттасил давом этиб келмоқда. Ушбу мақолада Бухоро адабий ҳаракатчилигининг афғон халқи билан олиб борган ижодий бирдамлиги ҳақида сўз боради.

Афғон мумтоз адабиётига форс-тожик адабиётининг энг яхши намояндаларидан Рудакий, Фирдавсий, Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Абдурахмон Жомий, Абдулқодир Бедил ўзбек адабиётидан Навоий, Бобур каби шоирларнинг таъсири жуда катта бўлди. Афғон классик шоирлари ўз ижодларида форс-тожик адабиёти анъаналаридан кенг фойдаланиб, пушту ва форсий тилларида гўзал шеърӣ асарлар яратдилар.

XVII-XVIII асрлар афғон адабиёти тарихида энг сермахсул давр ҳисобланади. Шу даврда ижод этган кўпгина шоирлар ўзларининг гуманистик ғоялари билан ҳозирги кунда ҳам ҳурмат билан тилга олинадилар. Инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борилган курашлар натижасида XIX аср давомида Афғонистонда ижтимоий ҳаёт тушкунликка учради. XIX асрнинг охирига келиб афғон адабиёти Пешоварда қайта жонлана бошлади. Ҳозирги замон афғон адабиётига XIX аср охири ва XX аср бошларида ижод этган пешоварлик ёзувчилардан Мавлавий Аҳмад, Мир Аҳмадшоҳ, Ризвоний, Мунши Аҳмадҷонлар катта ҳисса қўшдилар [1,10]. Уларнинг ижодида асосан проза жанри ривожланди.

Бухоро ва Афғонистон ўртасида кўп асрлардан буён ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Турли тарихий жараёнларда икки мамлакат фуқаролари ўртасида маданий, адабий-ижодий алоқалар муттасил давом этиб келган. Афғонистоннинг Балх, Кобул, Маймана, Шибирғон, Ҳирот



шаҳарлари орқали узлуксиз алоқалар ўрнатилган. Афғонистон ва Бухорони туташтирувчи савдо-сотик ва карвон йўлларида туялар мунтазам қатнаган. 1885-1888 йиллардаги демаркация шартномаларидан кейин икки давлат ўртасидаги чегара чизиғи Амударё орқали ўтиб, Керки, Келиф, Айваж божхона пунктлари ташкил қилинган. Чегара йўлларининг назорати, Бухоро-Афғонистон савдо масалалари Россия империяси ихтиёрига ўтади. Шундай бўлсада адабий алоқалар муштараклиги давом этган. Бухоро амирлигида кўплаб афғон миллатига мансуб ёки афғонистонлик ижодкорлар яшаб ижод қилганликлари тазкираларни ўрганиш жараёнида ойдинлашиб борди. Қуйида уларнинг айримлари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилади.

Афғонистонлик Мулла Гулмуҳаммадий Афғон тахаллуси билан ижод қилган шоир эди. Асли келиб чиқиши афғон амирларидан бўлган ижодкорнинг Бухоро амирлигининг юқори табақа вакиллари билан алоқалари яхши бўлган. Амир Музаффар (1860-1885) ҳукмронлиги даврида Бухорога келиб аввал савдо ишлари билан машғул бўлган. Маълум вақт ўтгач амир Музаффар Мулла Гулмуҳаммадий Афғонни Нурота вилоятига ҳоким этиб юборган. Хат саводи чиройли, илми юқори шоир нотиклик санъатини ҳам яхши эгаллаганлигини халқ билан мулоқотлар жараёнида намоён қилган. Мумтоз адабиётга ихлосманд шоир Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ғазалларидан кўп ўқир ва унга ўшатмалар ёзганлиги тазкираларда сақланиб қолган. Қори Раҳматуллоҳ Возеҳнинг “Тухфат ул аҳбоб” тазкирасида: “Ошиқ мизож бир киши бўлуб ой юзли болаларга мафтун эди. Одил номли бир ходимга гирифтор бўлуб уни кўп суяр эди. Бироқ Одил касал бўлуб вафот топади. Шундан сўнгра дилидан чиқариб фарёду фиғон кўтариб ашъорлар ёза бошлайди. Сипоҳгарликни ҳам ташлаб марсиялар ёзиш билан қоладур” – деган маълумотларни келтиради [4,11]. Шоирнинг йигирма минг байтлик девон тузгани ҳақида маълумотлар учрасада, айни вақтда девон топилмаган . Ушбу шеър шоир Афғонниқидир: [2,142]

Баски, ёди захми турраи жонон кардам
То даме субҳ баса фикри паришон кардам...
Хўтр зад булбули фирдавс чу товус ба доғ
Бар сари куйи ту харчанд афғон кардам.

Ҳозик – Жунайдулла маҳдум хиротлик шоир бўлуб, Ҳозик тахаллуси билан ижод қилган. Диний уламо Ислом шайхнинг ўғли Жунайдулланинг болалиги ва ёшлиги Хиротда ўтган. 1800 йиллар атрофида Бухорога келганлиги маълум. Бухородаги мадрасаларида фозиллардан таҳсил олиб, илм аҳли даврасига яқинлиги бўлган. Манғитлар сулоласи даврида Бухорода яшаб амирликнинг хизматида бўлган. Тиб илмини ўрганиб табиблик билан ҳам шуғулланади. Тиббиётга яқинлиги борлиги сабабидан Ҳозик тахаллусини олади. Қори Раҳматуллоҳ Возеҳнинг ёзишича: “Ўзини табиблигидан ҳам хабардор деб даъво қилиб шул муносабат билан тахаллусининг Ҳозик деб кўрсатиб бир неча қасидалар ва ашъорлар сўзлаб юруб кейин насибаси тортиб Қўқонга бориб унда ҳокимнинг номига қиссаи “Юсуф Зулайҳо”нинг назмга олиб тақдим этиб катта инъомлар олмиш”. Тазкираи Қаййумийда ёзилишича амирлар Ҳозикни ўзига тобе этиб олиб сарой шоирига айлантиришни истар эдилар. Ҳозик эса инсонпавар, халқпарвар, тўғрисиўз шоир бўлиб, зулм ва мутассибликка қарши турувчи эди. Бундай ҳолда Бухорода қолиш адиб учун ноқулайликлар туғдуради. Шу сабабдан Қўқонга кетиб қолди дейилади[3,296].

Бизнинг фикримизча эса 1818 йилда амирликни тарк этишига сабаб сифатида амир Умархоннинг ижод аҳлини атрофига жамлаб, кенг имкониятлар яратиб берганидан деб баҳоласак бўлади. Бизга маълумки Умархон “Амирий” тахаллуси билан ижод қилиб Девон тартиб берган. Аёли Моҳлар ойим Нодира билан биргаликда илм аҳлига ҳомийлик қилиб, ижодкорларни қўллаб қувватлаган. Бироқ Ҳозикнинг Бухородан Қўқонга кетиш сабабларини сиёсий жараёнларга боғламаслик лозим. Боиси, шу даврда Бухоро амири Ҳайдар ҳам бениҳоя саводли бўлиб, ижодкорларни ўз эътибори остида, ҳимоясида сақлаган. Бундан ташқари бу вақтда адибнинг Бухородаги фаолиятига ўн саккиз йил тўлган бўлиб, аввало Бухорода шоир сифатида танилиб улгурган эди. Амирларнинг тазйиқига жавоб қайтара оладиган кучга эга бўлган эди. Бироқ муаммонинг учинчи томони ҳам бор. Шуни ҳам унутмаслик керакки, Ҳозик саройнинг доимий кишиси бўлмаган ва амирлик юқори табақа вакиллари орасида маълум киши бўлсада, айнан амир Ҳайдар эътибор қаратиб жазолайдиган даражада мартаба эгаси бўлмаган. Шоирнинг Бухорони тарк этишига адабий муҳит вакиллари орасидаги ўзаро келишмовчилик сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шулардан келиб чиқадиган бўлсак, адиб ўз ихтиёри билан сиёсий тазйиқларсиз

Кўқон саройига борган. Кўқонда шоир яхши кутиб олинадди. Куроъни каримда воқеаси келтирилган Юсуф ва Зулайхо ҳақида шеърини дoston ёзиб хонга тухфа қилади. Амир Умархон 1822 йилда вафот этгач вориси Муҳаммадалихон отаси даврида жамланган Кўқон адабий мактабини сақлаб қолмади. Аниқроқ айтганда сақлаб қолишни истамасди. Маълум муддат Нодири атрофида жамланган ижодкорлар қатори Кўқонда бўлиб турган адиб, турли тазйиқлар ва келишмовчиликларга учрайди. Умархон саройидаги адиблар Афсус, Маъюс, Рамзий, Адо ва Нола сингари сарой шоирлари билан мураса қила олмаган адиб Кўқонни тарк этади. Хива хонлиги худудларини ягона ҳукмдор атрофида бирлаштириб, марказлашган ҳукумат тузган Муҳаммад Раҳимхон II нинг вориси Оллоқулихон саройига боришни ихтиёр қилади. Хивада ҳам Хоразм адабий муҳити шаклланган бўлиб, Муҳаммад Эрнийезбий ўғли Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий сингари тарихчи шоирлар фаолият юритар эдилар. Хон шоирни яхши кутиб олади. Сарой тарихчиси Мунис вафот этгач, у таржимасини бошлаб қўйган Мирхондининг “Равзат ус сафо” (Софлик боғи) асарини ўзбек тилига ўгириш тўхтаб қолади. Маълум муддат ўтгач хон Ҳозикга ушбу таржимани яқунлаб қўйишни топширади. Таржимани бошлаб қўйган адиб охирига етказмай Хивани тарк қилади. Бу ҳақида “Тазкираи Қайюмийда”: “Ҳозикда инсонпарварлик характери маддоҳликни ёқтирмаслик хонга ёқмади. Ишни ташлаб яна Ҳўқандга келди” [3,296] – деган маълумотлар келтирилади.

Тарихдан маълумки, Амир Насруллахон (1826-1860) 1842 йилда Кўқон хонлигига юриш қилиб, эгаллайди. Оқибатда бир гуруҳ уламо, олим ва шоирлар қатори Ҳозик ҳам Бухорога олиб кетилади. Кўқонда юзберган хунрезликларга тоқат қила олмаган шоир ўз норозилигини яширмайди. Манбаларда келтирилишича амир ҳузурда унга мақул келмайдиган байт айтгани учун жазоланади. Байт қуйидагича эди:

Бўрида қоматам кони маломат

Бимонад ийн маломат то қиёмат.

“Сен ўз бўйинига ўлчаб маломатдан бир тўн бичдинг шул маломат тўни устингда то қиёматгача қолажак” – маъносидаги ушбу байт манбаларда турлича кўринишда келса-да, умумий мазмунда бир хил маънода келади. Байт амирнинг шавқатсизлиги ҳақидаги мазмунга асосланган. Эндиги масала шундаки яна манбаларда турли чалкашликлар учрайди. Пўлатжон Қайюмий ўз тазкирасида “Амир Насрулла шоирдан мақтов шеър сўраганда ушбу байтни айтган” [3,297] – деган маълумот келтиради. Қори Раҳматулла Возех эса: “Умархон вафотидан кейин таълим олган шахри Бухорога қайтиб келишга мажбур бўлади. Тараққиёти азмиё унга қўл келиб кейин султон салотинидан хавфланиб Шаҳрисабзга кетди. Унда ўлдирилди” – деган маълумотни келтиради. Садриддин Айний ўзининг “Намунаи адабиёти тожик” асарида Ҳозик шеърни Самарқандда айтганлигини, хуфиялар орқали амирга етиб боради. Амирнинг ғазабланганидан хабар топган шоир амирликка кучли қаршилик кўрсатиб бўйсунмай келаётган Шаҳрисабзга бориб жойлашади. Ортидан юборилган ёлланма қотил қулай пайт пойлаб шоирни ўлдиради [1,180]. Турли версияларнинг охири барибир амир томонидан шоирнинг ўлдирилиши билан яқунланади. Айний ўз тазкирасида адиб вафоти масаласида хатоликка йўл қўйиб хижрий 146-1250 (1830-1834 й) йиллар оралиғи деб берган. Аслида адибнинг вафоти 1259 (1843 й) йилга тўғри келади. Табиблик билан ҳам шуғулланган, кўплаб зиёлилар суҳбатига бўлган адиб шеърятда кўпроқ танилган.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро адабий муҳитида байналминаллик анъанаси доимо мавжуд бўлиб, қўшни халқлар билан ижодий ҳамкорлик муттасил давом этиб келган. Афғон халқининг давлатчилик тарихи мураккаб ва зиддиятли бўлгани боис ижодкорлар Бухоро амирлиги худудида истиқомат қилиб, қалам тебратишни маъқул билганлар. Мақолани ёзиш давомида бир қатор тазкираларни таҳлил ва тадқиқ қилиш орқали юқорида ёзилган маълумотлар афғон адибларининг Бухородаги фаолиятларидан бир парча эканлиги, ушбу жараёни туркум мақолалар шаклида давом эттириш кераклиги кейинги тадқиқотларни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Афғон шоирлари (ғазал ва рубойлар). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974. -120 б.
2. Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Душанбе, Адиб, 2010. – 447 саҳ.
3. Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. – Тошкент: ЎзРФА Қўлзёмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1999. - 460 б.
4. Қори Раҳматуллоҳ Возех. Тухфат-ул-аҳбоб фи тазкират-ил-асъҳоб. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2001. 64 б.